



# ЁШ АВЛОД ТАШАББУСЛАРИ

«International House – Tashkent» лицейида «Янги авлод ташаббуслари: халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт, толерантлик асослари» мавзуда семинар ўтказилди.

Унда ёшларнинг лидерлик кўникмасини ривожлантириш ҳамда хорижий давлатлар ёшлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан тренинглар ўтказилди. Семинардан кўзланган асосий мақсад ҳам ёшларнинг ижодий салоҳияти ва интеллектуал фаоллигини оширишга қаратилган.

Маркази фаоллари ҳам акция иштирокчиларини марказнинг таълим, маданият ва санъат, ахборот технологиялари йўналишларидаги лойиҳалари билан яқиндан таништиришди.

# ЖАКАРТАДА БИЗНЕС-СЕМИНАР

Жорий йилнинг 12 апрелида Жакартада Ўзбекистон-Индонезия инвестициявий бизнес-семинари ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги ўринбосари Н. Наҳимов бошчилигидаги делегация иштирок этди.

Ўзбекистонлик делегация аъзолари таркибида «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекнефтегаз» холдинги, «Ўзэлтханаот» ассоциацияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзинтеримпекс», «ТАПОИЧ», Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг вакиллари бор.

Семинарда икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ва иқтисодий муносабатларни кенгайтириш имкониятларини ўрганиш, Ўзбекистон маҳсулотларини Индонезия бозорларига киритиш масалалари муҳокама этилади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг корхона ва компаниялари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилишни хоҳловчи индонезиялик тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиш ҳамда икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кўзловчи узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш режалаштирилган.

«Туркистон-пресс».

# Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида пилла мавсумига тайёргарлик ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

# МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК

Унда вилоятлардаги «Пилла» бирлашмалари, ипак курти уруғчилиги, насли уруғчилиги корхоналари раҳбарлари ҳамда Гидрометеорология хизмати маркази мутахассислари иштирок этди.

Бу йил мамлакатимизда 22 минг тонна пилла етиштириш мўлжалланган. Мавсумнинг сифатли ўтишида тут баргларининг ўсиши билан бирга, ҳавонинг нисбий намлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Шу боис, семинар иштирокчиларига Гидрометеорология хизмати мутахассислари томонидан апрель-май ойларида ку-

тилаётган об-ҳавонинг намлик даражаси ҳақидаги маълумотлар тақдим этилди. Шунга қўра, вилоятлардаги пиллачилик корхоналарининг раҳбарлари ипак курти уруғини жонлантириш вақтини аниқлаб олдилар.

Семинарда тўздорларга ишлов бериш, пилла парваришида агротехника қоидаларга тўла амал қилиш ва пиллакорлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб ўтказиш мўл ҳосил етиштиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА муҳбири.

# Қулайлик



— Уч фарзандим бор. Табиийки, оилада асосий вақтим ошхонада ўтади. Таомларни мазали қилиб тайёрлаш вақт ва пазандалик маҳоратини талаб этади, — дейди қибрайлик уй бекаси Нигора Рўзиева. — Бир кунни ёнимизда дўконга чиқсам, ярим тайёр ҳолдаги чучвара, мантга кўзимизда чикариляётган экан. Мазали ва тўйимли бўлиш билан бирга, ҳам арзон, ҳам кўп вақт олмайди.

# МАЗАЛИ, ТЎЙИМЛИ, АРЗОН

Оддий уй бекаси эътироф этаётган 12 турдаги ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқараётган «Нурхон-Нуроний» хусусий тадбиркорлик тузилмаси иш бошлаганига эндигина бир йил бўлишига қарамай унинг маҳсулотлари қизи-

қувчилар кўпайиб бораётир. Айниқса, чучвара, манти, котлет ҳамда турли пиширилган учун ҳамир маҳсулотлари уй бекаларига манзур бўлмоқда. Уларнинг афзаллиги қўлда тайёрланаётганидир. Шу сабабли маҳсулотлар уй шаро-

ида тайёрланган таомлардан қолишмайди. Айтиш жоизки, корхона қатор тадбиркорлик тузилмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Унинг маҳсулотлари учун гўшти бир тадбиркор етказиб бераётган бўлса, корхонани ун билан таъминлаб, яна бир корхона даромад топаётти. Маҳсулотларни қишлоқ кўришида қадқоқлаш, ёрликларга безак беришда эса полиграфия фирмаси хизматидан фойдаланилаётти. Ҳамкорликдан мақсад аҳолига сифатли ва арзон маҳсулотлар етказиб бериш.

— Ҳозирги кунда маҳсулотларимизни асосан Тошкент, Чирчиқ шаҳарларидаги ҳамда ўзимизнинг тумандаги супермаркет ва бошқа дўконларга жўнатаймиз, — деди корхона раҳбари Мухиддин Аҳмедов. — Келгусида миқозларни янада кўпайтирмақчимиз. Бунинг учун бизда имкониятлар етарли. Яқинда печенье маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи цех ишга тушди. Эндиликда 13 кишидан иборат жамоамизнинг сафи икки баробар кенгайтириш кутилмоқда. — Аёл тилини аёл тушунади, — дейди корхона пазандалари Назира Раҳимова. — Маҳсулотларимизни бежирим, мазали, сифатли қилиб тайёрлашга ҳаракат қилаймиз. Чучвара, манти ва бошқа пиширилган улар ўз қўллари билан пиширгандек ҳис этишса, деймиз.

# СУРАТЛАРДА:

ишлаб чиқариш жараёнидан лавҳалар. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

# Транспорт ХИЗМАТ СИФАТИ СИЗГА МАЪҚУЛМИ?

Илгари хабар қилганимиздек, вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида транспортда йўловчи ташишни янада такомиллаштириш, соҳага тегишли меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Унда соҳага алоқадор бошқармалар ҳамда шаҳар ва туманларда йўловчи ташиш билан шуғулланаётган юридик мақомга эга уюшмалар раҳбарлари иштирок этишди. Семинар қатнашчилари таъкидлаганларидек, айрим уюшмалар кунлик нақд пул тушумининг бир қисmini яширишга уринмоқдалар. Йўловчи ташитган аксарият автомобилларнинг носозлиги йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлмоқда... Шунингдек, йиғилишда юридик мақомга эга уюшмалар фаолиятида учраётган муаммолар ҳам муҳокама этилди. Бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар бўйича аниқ режалар белгиланди. Қуйида йиғилиш иштирокчиларидан айримларининг шу хусусдаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.



# ХАВФСИЗЛИК ТАЪМИНЛАНСА ДЕЙМИЗ

Йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга оид ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан вилоят ҳаракат хавфсизлиги бошқармаси тегишли чора-тадбирлар белгилаб, амалга оширмоқда. Хусусан, соҳа ходимлари 307 марта рейд уюштириб, 141 минг 330 та транспорт воситасини текширувдан ўтказишди ва улардан 20 минг 995 таси қонунбузарликка йўл қўйганини аниқлашди. Вилоятдаги йўналишларда хизмат кўрсатаётган 82 та транспорт ташкilotидан 70 таси хусусий уюшмалар. Уларда ҳам техник носоз автомобилларда йўловчи ташиш ҳоллари учрамоқда. Шунингдек, ҳаракат хавфсизлиги қонун-қоидаларига риоя қилмайдиган ҳайдовчилар ҳам рейдлар давомида аниқланмоқда.

Масалан, «Охангарон-транс» МЧЖга қарашли давлат рақами 11 В 6467 бўлган «Мерседес-бeнс» ҳайдовчиси Х. Қобулов қонун-қоидага зид ҳолда ортиқча ўриндик ўрнатиб олган. Юқоричирик туманидаги «Карима-транс-сервис» уюшмасига қарашли, давлат рақами 11 Х 8470 бўлган «Дамас» автомобили ҳайдовчисининг ўзи тиббий, транспорт эса техник кўрикдан ўтмай ишга чиққан... Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Айрим транспорт воситаларининг ишора чироклари ишлашма, баъзиларининг салонидagi санитария ҳолати талабга жавоб бермайди. Аксарият ҳайдовчи-

лар ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига амал қилмас, айримлари хоҳлаган жойларида тўхтаб, йўловчиларни чиқариб-тушираверишади. Бундай тартиббузарликлар оқибатида қўрилмаган бахтсиз ҳодисалар юзга келмоқда. Натихада қанча инсонлар жабр кўришмоқда. Истардикки, ҳар бир ҳайдовчи зиммасига юклатилган вазифанинг масъулиятини ҳис этиб, автомобиль бошқарса, кўнгилсиз ҳодисалар бир мунча камийган бўларди.

Саидхамд АБДУСАТТОВ, вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг техник назорат бўлими бошлиғи.

# ОЛАРНИНГ БЕРМОҒИ БОР

Ривожланган мамлакат фуқаролари давлат тараққиёти айнан уларнинг зиммаларида эканлигини яхши билишади. Ва хусусий бизнесларидан ўз вақтида солиқларни тўлашга ҳаракат қилишади...

Мустақиллик йилларида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесга кенг йўл очилди. Бунинг учун қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу сабаб ҳаракатларнинг самараси фуқаролар бугун юртимиз фуқаролари соҳада эмин-эркин фаолият кўрсатишмоқда.

10705 минг сўм молиявий жарималар қўлланди. 29 та ноқонуний фаолият бўйича ҳужжатлар чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига берилди.

Муштақиллик йилларида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесга кенг йўл очилди. Бунинг учун қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу сабаб ҳаракатларнинг самараси фуқаролар бугун юртимиз фуқаролари соҳада эмин-эркин фаолият кўрсатишмоқда.

Хўш, бугун транспортда йўловчи ташитган тадбиркорларнинг барчаси қонун доирасида фаолият юритаётганими?

Мақсад, жарима солиб, тадбиркорлар фаолиятини бўғиш эмас, аксинча, қонуний ишларини таъминлашдир. Шунда уларнинг ишлари олға босиб, назоратчилар ҳам ортиқча овор бўлмайдилар. Афсуски, буни ҳамма ҳам бирдек тушуниб етмайпти.

Транспортда йўловчи ташиш ҳам бугун даромадли соҳага айланиб улгурди. Ҳар бир ишининг қонун-қоидаси бўлганидек тадбиркорликда ҳам ўзига яра-

ша меъёрлар мавжуд. Яъни даромадларни яширмай, тушумларни ўз вақтида толириш, солиқларни тўлаб бориш асосий шартлардан ҳисобланади.

Ушбу ИБРОХИМОВ, вилоят солиқ бошқармасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш бўлими ходими.

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«Ўзбекистон маданият ва санъат форуми» жангармаси ҳамда «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати марказий кенгаши Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози - 2007» республика кўрик-танловини ўтказди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006 йил 14 мартда «Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танловини ҳар йили ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. «Ўзбекистон маданият ва санъат форуми» жангармаси ҳамда «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати марказий кенгашининг «Келажак овози» республика танловини ҳар йили ўтказиш ҳамда унга республика доирасидаги танлов мақомини бериш тўғрисидаги тақлифи маъқуллашиб, танловни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Танловни ташкил этишдан мақсад мамлакатимизда ўсиб, вояга етмаган ёш авлодчи ҳар томонлама мукамал тарбиялаш, ихтидор ва истеъдод соҳиблари бўлган ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашларига юмалаштириш, истеъдод ва интеллектуал салоҳиятларини рўбга чиқаришлари учун моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдан иборат.

Бу танлов 15 дан 25 ёшгача бўлган ёшларни ўз ичига олиб, 6 йўналишда ташкил этилади. Ҳолиблар танлов ўтгандан кейин камидан 10 кун муддатда махсус тузилган ҳакамлар хайъати томонидан аниқланади ва тантанали равишда тақдирланади.

«Келажак овози» танловининг нуфузи йилдан йилга ошиб бормоқда. 2005 йилда ушбу танловда 2,5 мингга яқин ёшлар иштирок этган бўлса, 2006 йилда 10 мингдан ошди. Бугунга қадар республика бўйича 5 мингга яқин ёшлар ушбу

Йўлнинг тушиб, Бекобод туманидаги «Ўзбекистон» фермерлар уюшмаси ҳудудига қадам ранжиди қилсангиз, Ибодил-

ла бобо яратган катта бог сизни беихтиёр ўзига жалб қилади. Бу бог бундан роп-ропа 60 йил муқаддам барпо этилган.

# БОБОНИНГ БОҒИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳамма соҳада бўлгани сингари богдорчиликка бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Утган йилнинг бошида тумандаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжалиқларига айлантирилган. Ибодулла бобо яратган боғни ҳам тендер танловига қўйишди. Бобонинг фарзандларидан бири унда голиб чиқди ва 15 гектарлик жойда «Асатилла боғи» фермер хўжалиғига асос солинди. Боғнинг 8 гектаридан олма, 2 гектаридан анор, 4 гектаридан ёнғоқ, 1 гектар майдонда ўрик ва ток парвартиш қилинади. Утган йили

мевали дарахтлар жуда яхши ҳосил берди. 50 тонна олма, 2 тоннадан анор, олхўри ва ёнғоқ йиғиштириб олинди, 10 миллион сўмга яқин соф даромад қилинди.

Боғнинг изидан борган фарзандлар — Зиёдулла, Ҳабибулла, Асатилла, Абдулла, Нурилла Турсуновларнинг бугунги меҳнати ҳам таҳсинга сазовор. Бу йил боғбонлар эски дарахтлар ўрнига 200-300 туپ атрофда олма, олхўри, нок ва ёнғоқ кўчатларини экиб парвариши бошлаб юборишди.

Ҳозир 5 ўғил ва 5 қизнинг отаси, 100 дан ортиқ невага ва эварларнинг

# ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ УСТУВОР

Яқинда монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармасида ишлаб турган ишонч телефони-га хабар келди. Қўнғироқ қилаётган киши «509-Чирчиқ — Тошкент» йўналишида қатновчи микроавтобусларда йўл ҳақи ҳеч қандай асоссиз 300 сўмдан 700 сўмга қўтарилигани маълум қилди.

Афсуски, бундай ўзбошимчиликлар йўловчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётти. Айрим ҳудудларда йўловчилар истеъмолчи сифатида танлаш имкониятига эга эмаслар. Масалан, Ангрэн ҳамда Бекобод шаҳарлари ичида автобуслар, умуман, қатнамайди. Йўловчиларга микроавтобуслар хизмат қилмоқда. Имтиёзга эга Иккинчи жаҳон ҳамда афғон уруши, шунингдек, «Чернобыль АЭС» ҳалокати қатнашчилари, 7 ёшгача бўлган болалар ҳам транспортда йўл ҳақи тўлаб юришибди. Шундай муаммоларни бар-тарafd этиш уюшма раҳбар-

лари зиммасидаги муҳим вазифадир. Ҳаммиша истеъмолчи ҳақ, унинг қонуний талаби бажарилиши лозим. Акс ҳолда истеъмолчи ўзига етказилган моддий ҳамда маънавий зарарни қонуний йўл билан талаб қилишга ҳақи бор. Аммо ҳалқимиз ориятли. Бундай нуқсонлардан қўлчилик кўз юмади. Бирок, андишанинг отини кўроқ қўйиш керак эмас-ку.

Ушбу «Чирчиқ — Белоножко АШБ» йўналиши ўрганилганда, умумий масофа 23,5 километрге, тендер шартномасида ҳар километр учун бир йўловчига 13 сўм ҳақ тўлаш белгилангани, бу эса 305 сўмга тўғри келиши аниқланди.

Ашурали БОЙМУРДОВ.

**Журналларнинг янги сонларида «Ўзбекистон Матбуоти»**

Журналининг биринчи сони босмадан чиқди. У Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон-пресс» ноддалар ахборот агентлиги муҳбирига берган «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беҳис ҳиссасининг юксак эътирофи» сарлавҳали интервьоси билан очилди.

«Шу азиз Ватан — барчамизники», «Миллат ифтихори», «Бир қўшқ тарихи», «Устоз отангдек улғу» рунқлари эстаида ижодкорлар ҳаёти, ижодий таъриба масалаларига бағишланган мақолалар ўрин олган. Ўзбекистон Республикаси Олий Махлуси Қонунчилик палатаси депутаты Сурайё Аҳмедованинг «Сийёсий партиялар ва электротар», Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти илмий ходими Гулжаҳон Жабборованинг «Журналист маҳорати» сарлавҳали мақолаларида фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни журналда эълон қилинган.

**Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ очик аукцион савдоларига таклиф этади.**

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқимча-босқич охиб бориш тартибида ўтказилаётган очик аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

I. Тошкент вилояти Олмалик шаҳри суд ижрочилиари бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Охангарон туманлардан судининг 2006 йил 6 майдаги 1294-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалик шаҳар, Охунбобоев кўчаси, 211-уйда жойлашган ер участкасининг майдони 338 кв.м, қурилиш ости майдони 261,3 кв.м бўлган 55-сонли дўкон биноси.

Бошланғич баҳоси — 1 876 500 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 15, 22, 29 май ва 5, 12 июнь кунлари соат 11.00 да, ушбу кўчмас мулк объекти сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

II. Қуйидаги кўчмас мулк объекти Тошкент вилояти Янгийўл тумани суд ижрочилиари бўлими томонидан нархи арзонлаштирилган ҳолда такрорий аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани суд ижрочилиари бўлими томонидан Тошкент вилоят хўжалик судининг 2006 йил 11 майдаги 11-0619/5050-сонли суд буйруғига асосан хатланган Янгийўл тумани, Халқобод к.ф.й.да жойлашган қурилган жой участкаси майдони 2504,59 кв.м бўлган Халқобод МТПнинг моддий техника таъминлаш биноси.

Бошланғич баҳоси — 15 596 364 сўм 80 тийин.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 1, 8, 15, 22, 29

Таъсисчи «Бекободцемент» ҲХЖнинг 2007 йил 2 апрелдаги 226-сонли буйруғига асосан «Бекободшифер» шўъба корхонаси «Бекободшифер» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилди. Манзил: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Истиклол кўчаси, 20-уй.

**Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ очик аукцион савдоларига таклиф этади.**

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқимча-босқич охиб бориш тартибида ўтказилаётган очик аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

I. Тошкент вилояти Олмалик шаҳри суд ижрочилиари бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Охангарон туманлардан судининг 2006 йил 6 майдаги 1294-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалик шаҳар, Охунбобоев кўчаси, 211-уйда жойлашган ер участкасининг майдони 338 кв.м, қурилиш ости майдони 261,3 кв.м бўлган 55-сонли дўкон биноси.

Бошланғич баҳоси — 1 876 500 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 15, 22, 29 май ва 5, 12 июнь кунлари соат 11.00 да, ушбу кўчмас мулк объекти сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

II. Қуйидаги кўчмас мулк объекти Тошкент вилояти Янгийўл тумани суд ижрочилиари бўлими томонидан нархи арзонлаштирилган ҳолда такрорий аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани суд ижрочилиари бўлими томонидан Тошкент вилоят хўжалик судининг 2006 йил 11 майдаги 11-0619/5050-сонли суд буйруғига асосан хатланган Янгийўл тумани, Халқобод к.ф.й.да жойлашган қурилган жой участкаси майдони 2504,59 кв.м бўлган Халқобод МТПнинг моддий техника таъминлаш биноси.

Бошланғич баҳоси — 15 596 364 сўм 80 тийин.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 1, 8, 15, 22, 29

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Иқтисодий мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асосидир. Шунинг билан, Республика Президентининг Ёқилги-энергетика, нефть-газ-кимё мажмуалари, энергетика, кимё саноати сингари соҳаларни тараққий эттиришга алоҳида эътиборни қаратмоқда. Зеро, бу соҳалар барча жабҳаларни янгилаш, ишлаб чиқариш қувватларини, экин майдонларидан унумли фойдаланишга, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилашга йўл очди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якуни

ларини муҳокама қилиш, мамлакатни ривожлантиришнинг бу йилги ва истиқбол йўналишларини белгилаб олишга бағишланган мажлисида Ўртбошимиз хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, дақиқонусдан қолган техника ва технологияларни замонавийлари билан алмаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни барқарор тус олдириш долзарб вазифа бўлиб қолётганлигини алоҳида таъкидлади.

Ёқилги-энергетика мажмуи, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси вилоят ташкилоти бу кўрсат-

малар асосида маҳаллий ҳокимият идоралари ва иш берувчилар билан ижтимоий шерикчиликни кучайтириб, бу устувор вазифалар муваффақиятли бажарилишига мавжуд имкониятлар тобора тўла сафарбар этилишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу жараёнларда манфаатлар уйғунлиги ва мувозанатини таъминлаш унинг асосий мақсади бўлиб қолаётди. Ушбу саҳифада вилоятимизда йирик ва етакчи ҳисобланувчи шу тармоқ касаба ташкилотларининг қўламли ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи мақола ва хабарларни ўқийсиз.

## Имтиёз МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Мамлакат иқтисодиётида «Янги Ангрэн ИЭС» очик акциядорлик жамиятининг ўрни алоҳида. У халқ ҳўжўлиги ва ижтимоий инфратузилма корхоналари, аҳоли эҳтиёжлари учун ўтган йили 6 миллиард 105 миллион 104 минг киловатт-соат электр қуввати етказиб берди. Бир йилда 9,47 фоиз ўсишга эришилди.

Янгилаш, ўтиш пайтида ишловчилар меҳнатига адолатли ҳўжўлаш, ҳўлол, виждонан бажарилган сифатли иш учун муносиб рағбатлантириш, юқори малакали ходимларни кадрлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Маъмурият билан қўша қарор асосида ташкил этилган доимий ишловчи икки томонлама комиссия ва масалаларни ҳўр жихўддан ўрганиб, тегишли тақлифлар билан чиқмоқда. Шу асосда корхонамизда ўртача ишча ҳўқи 149,2 минг сўмга тўғри келаётди. Йил якунини тақлиш қилиш жўғўнада уни 182,5 минг сўмга кўтариш тавсия этилди.

Адолатли иқтисодий шерикчилик меҳнатга яраша эъзўз кўрсатиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Чўнончи, жамўа шартномасида меҳнатга ҳўқўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг меъёрий ҳўжўдаларда кўзда тутилганидан ҳўйла юқори имтиёзлари белгиланган. Ишловчиларга тариф ставкалари ва ойллик маош микдорига турли қўшимчалар тўланмоқда. Чўнончи, ходимлар арашаси касбларни эгаллаганликлари, хизмат доирасини кенгайтирганликлари, ўз ишлари билан бирга вақтинча ишда бўлмаган ходим вазифасини бажарганликлари, ўриндошлик учун турли микдорда устамалар олишаётди.

Касб маҳоратини ошириб бораётганлигига қараб, ходимларга 12-24 фоизгача қўшимча ҳўқў тўланмоқда. Бригадирлар жамўадаги ишловчилар сонига боғлиқ ҳўлда энг кам иш ҳўқўнинг 25-40 фоизи даражасида устам олишаётди.

Айни пайтда корхонамизда узок муддат узлўксиз ишлаганлик, алоҳида муҳим топ-

ширикларни бажарганлик, ёқилгини тежаб сарфлаганлик, ҳўтто, чиқиндиларни тўллаб, топширганлик учун ҳам ишловчиларга ойллик қўшимча ва устамлар тўлаш йўлга қўйилган. Рағбатлантиришнинг бошқа турлари ҳам жорий этилган. Чўнончи, ходимлар зарарли иш жойида меҳнат қилганлик учун ҳўр йили ҳўқў тўланадиган 6 кўнлик қўшимча таътидан фойдаланишди. Бўндан ташқари ишининг кўп смена-лиги учун 4, раҳбарларга меъёранмаган иш кўни учун 3, иш стажининг узлўксизлиги учун бир кўндан 6 кўнча, болаги аёллар учун 3 кўнча қўшимча таътил берилди. Шу имтиёзлар эвазига ишловчиларнинг ҳўқў тўланадиган умумий меҳнат таътили 48 кўнга етди.

Лекин имтиёзлар белгиланиши — бир гап, уларга амал қилиниши — бошқа гап. Бу борада узвийлик таъминлан-маса, меҳнат шартномасида белгиланган имтиёзлар берилмаса, жамўада ижтимоий муҳит бўзилди, ишлаб чиқариш бариқдор ривожлантириш таъминланмади. Бўни корхона раҳбарлари ҳам, касаба қўмитамиз фаоллари ҳам яшаи тўшунишди. Ходимларга берилган қўшимча имтиёзларга амал қилинишини икки томонлама доимий маслўхатлашув комиссияси ҳам синчиклаб кўзатиб боради. Корхонамизда ёқилги ва бошқа қувватлардан оқилона фойдаланиб, электр қуввати ҳосил қилиш ортиб бораётганлигида бу омилларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Ирода МАДАРОВА,  
«Янги Ангрэн ИЭС» очик акциядорлик жамияти касаба қўмитаси раиси.

## Меҳнат муҳофазаси: изланишлар ва муаммолар ҲАРАКАТДА ҲИҚМАТ КўП

Ёқилги-энергетика, кимё саноати корхоналари ва геология ташкилотларида ишлаб чиқариш шартлилари мураккаб. Бинобарин, тармоқда технологик жараёнларни, меҳнатни ташкил этишга алоҳида талаблар қўйилади. Соғлом ва хавф-хатарсиз иш шартлиларини яратиш алоҳида назорат қилиб борилади.

Сўнгги йилларда тармоқ корхоналарида техника хавфсизлиги ва меҳнат шартлиларини яхшилаш, иш жойларини шаҳодатлаш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларнинг олдини олиш, асбоб-ускуналар, технологик жараёнларнинг хавфсизлигини таъминлашга касаба қўмиталарининг таъсири кўчади.

«Янги Ангрэн ИЭС», «Аммофос», «Электримёсаноат» очик акциядорлик жамиятлари, бошқа бир қатор корхоналарда меҳнат шартлиларини яхшилашга қаратилган ташкилий-техникавий тадбирлар ишчил, режалар, энг муҳими, вақтида ва сифатли амалга оширилади. Чўнончи, «Аммофос»нинг 2-цехида бўтун технологик тизимда ажралиб чиқётган газларни ушлаб қўлиш ускуналари таъмирланди. Бу ишга 10 миллион сўм маблаг сарфланди. Оқибатда 12 ишчи, шу жўмладан, 8 аёлнинг меҳнат шартли яхшиланди.

Янгийўл шахридаги «Биокимё» заводиди газ асбоб-ускуналарни эскирганди. Улар электр магнит узатмали янги асбоб-ускуналар билан алмаштирилди. Натихада 13 ишловчининг меҳнат шартли соғлиққа зарар етказмайдиган бўлди.

Соғлом ва хавф-хатарсиз меҳнат шартлиларини яратишга комплекс ёндўшув бир қатор йирик режаларни амалга ошириш имконини берди. Чўнончи, меҳнат муҳофазасининг жамўа шартномаларида режалаштирилган тадбирларини бажариш учун бир йилда 1 миллиард 997 миллион сўмдан кўпроқ маблаг сарфланди. Жами 686 та тадбир бажарилди. Натихада 75 фоиз корхона ўтган йили жароҳатларсиз ишлади.

Меҳнатни муҳофазаси қилиш вақилларининг фаолияти фаоллаштирилди. Буларнинг ҳаммаси бахтсиз ҳодисалар олдинги йилга нисбатан биринчима камайишига олиб келди.

Лекин техника хавфсизлиги қондаларига риоя қилиниши таъминлаш, меҳнатни ишончли муҳофазасига етарли эътибор берилмаётган, бу жиддий масалаларга ёндўшувда юзакчиликка йўл қўйилаётган корхоналар ҳам йўқ эмас.

Шулари ҳисобга олиб, вилоят тармоқ касаба кенгаши, бевосита корхоналарнинг касаба қўмиталари кўп босқичли жамўатчилик назоратини кучайтираётди. Ҳўжалик раҳбарлари, бош мутахассисларнинг техника хавфсизлиги талабларига риоя қилинишига доир ҳисоботлари касаба қўмиталарида тобора кўпроқ тингланапти. Бу жараён ҳар бир касаба ташкилотиди кўндалик фаолият қонунига айланапти, ҳар бир иш жойида, технологик тизимлар ва цехларда меҳнат муҳофазаси, иш шартлиларини яхшилаш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф эттириш асосидир.

Собиржон ТўЛАГАНОВ,  
меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи мутахассис.

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Сўнгги бир йилда 2780 ишчи-хизматчининг малакаси оширилди.
- Тармоқда меҳнат қилаётган 217 ходимнинг фарзандларини олий ва ўрта-максус ўқув юр்தларида ўқитиш учун корхоналар 62,6 миллион сўм маблаг тўлади.
- Ҳар бир ходим жамўа шартномасига биноан вилоят тармоқ касаба кенгашидан 25 минг сўмдан зиёроқ манфаат кўрмоқда. Бу ўртача ойллик аъзўлик бадалига нисбатан 25 баробар кўп.
- Касаба қўмиталари иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш учун бир йилда 8 та талабнома киритди.
- Хомийлар ва шифокорлар йилида вилоят тармоқ касаба кенгаши ҳомийлик ёрдами кўрсатиш мақсадларига 35 миллион сўмдан кўпроқ маблаг сарфлади.
- Фақат 9 ой мобайнида тармоқ корхоналарида меҳнат муҳофазаси тадбирларига 1 миллиард 985 миллион 140 минг сўм маблаг ажратилди.
- Тармоқдаги 2 та маданият саройида 33 та тўғарак фаолият кўрсатаётди.
- Бешта ёзги оромгоҳда ўтган йили 5320 бола соғломлаштирилди.
- Тармоқ корхоналари курашчилари ўтган йили 2-Республика мусобакаларида умумжамўа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

## Шўкрона МИНГ РАҲМАТ!

Мен корхонамизда қирқ йилдан ортўк меҳнат қилдим. Шу йиллар ичида нималарни кўрмадим, не-не синаотларни бошдан кечирмадим.

Лекин шўкрки, турли дардларга чалиниб, кейсаганимда ўша йиллардаги меҳнатларим ҳузурини кўра-йпман. Мен каби кексалар корхонамиз маъмурияти, касаба қўмитаси эътиборида. Шу ўринда фақат бир жихатини алоҳида мамнўнчилик билан таъкидламоқчиман. Гап шўндаки, мен ҳар йили корхонамизнинг санаторий-профилактик йилида дам олиб, соғлигимни тиклайман. Бу ерда, айниқса, биз — кексалар алоҳида ҳузур-ҳўловатда бўлаемиз. Бўнинг

учун ҳамма шартли муҳайб. Тажрибали табибўт ходимлари А. Пишес, С. Шевлянова, Т. Головинанинг меҳрибонлигини-ку, кўяверасиз. Бу ерда бўлганимда бир йилда 71 меҳнат фахрийси ўз соғлигини тиклаганлигини эшитиб, кўнглим тўлди. Шўндай эътибор, кўрсатилган қадр-қўimmat учун қадрдон корхонамдан миннат-дорман.

А. СИДДИҚОВ,  
«Ўзбеккимёш» очик акциядорлик жамияти меҳнат фахрийси.

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР



Касаба ташкилотлари ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимўа қилиш, техника хавфсизлиги қондаларига риоя этилиши устидан жамўатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

СўРАТЛАРДА:  
Юқориди — «Электримёсаноат» очик акциядорлик жамияти касаба қўмитасида техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қондаларига риоя қилиниши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилмоқда. Ўртада — касаба қўмитаси раиси Бахтиёр Абдуллаев. Унда — ёқилги-энергетика мажмуи, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раисининг ўринбўсари ўқтам Турғўнов Охангарон шахридаги «Саҳўват» уйи хизматчиларига хайрия совғаларини топширмоқда.  
Еркебўй БЎТИРОВ олган сўратлар.

## Самарасорлик ҚАТЪИЯТ — МУВАФФАҚИЯТ КАФОЛАТИ

Демократик ҳўқўқий давлат, эркин фўқаролик жамияти куриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада кўчўрлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай ва қатъият билан бормоқдамиз. Табиийки, бу жараёнда касаба уюшмамиз ўз фаолиятини ўзгараётган вазиятни ҳисобга олган ҳўлда ташкил этиб, янгилашлар, ўтиш даврида ходимларни ижтимоий жихўддан пўхта муҳофазаси, ислохотларни кўчўрлаштириш орқали турмуш даражасини кўтариш учун курашмоқда.

Тармоқдаги 72 та корхона ва ташкилотда касаба қўмиталари билан маъмурият ўртасидаги жамўа шартномалари орқали 50 мингдан ортўк ишловчининг манфаатлари қамраб олинган. Турли мулкчилик шаклларига мансўб корхоналарда жамўа шартномаларига киритилган имтиёзли шартлар ва меъёрулар сўнгги бир йилда 20 фоизга ошганлиги унинг салмоғини белгилайди.

Кўпгина корхоналари-мизда жамўа шартномаларидаги тадбирларнинг амалга оширилишида ижобий тамойил барқарор тус олди. Бу борада «Ўзбеккимёш», «Электримёсаноат», «Ўзбекўмир» акциядорлик жамиятлари, «Шарқий Ўзбекистон» давлат геологик корхонасида айниқса ибратли ишлар олиб борилаётди. Бўни шўндан ҳам кўриш мўмкинки, ҳозирги пайтда тармоқ корхона ва ташкилотларида ўртача иш ҳўқи 170 минг сўмдан ошди. Ишловчиларнинг ойллик маоши олдинги йилга нисбатан 12,3 фоиз кўтарилди. Соҳада энг кам иш ҳўқи республикада белгиланганидан ўртача 2,5 баробар кўтариб қўйилгани айтаилса, бу борадаги сайҳўхаракатларнинг салмоғи тўла англашлади.

Ҳозирги пайтда корхоналаримизда меҳнатга ҳўқўлашнинг адолатли тизимини шакллантириш долзарб вазифага айналди. Шу бўис жамўа шартномалари ва меъёрий ҳўжўдаларда меҳнатга ҳўқўлаш шакли, меҳнат ҳўқи, устамалар, қўшимча ва компенсация тўловларининг аник микдорлари, тўлаш муддатлари белгиланб қўйилмоқда. Меҳнат сарфи, иш ҳузўсиятлари, ходимларнинг турли тоифалари меҳнати, технологик жараёнларнинг ўзига ҳослиги инобатга олиниб, қўшимча тармоқ коэффициентлари қўлланилмоқда.

Касаба қўмиталарининг сайҳўхаракатлари билан ак-

доимий комиссияларнинг роли кучайиб бормоқда. Касаба қўмиталаримиз Ижтимоий ҳимўа йилида ишловчилар, уларнинг оила аъзўларини ижтимоий ҳимўа-лашга эътиборни янада кучайтирдилар. Кам таъминланган оилалар, яқка-ёлғиз қариялар ва ногиронларни моддий қўллаб-қувватлаш, меҳнатни муҳофазаси, техника хавфсизлигини таъминлаш тадбирларига йил сайин тобора кўпроқ маблаг сарфланиб, мутахассислар, ҳўжалик раҳбарларга талаб оширилаётди. Ходимлар, уларнинг оила аъзўларини дам олдириш ва соғломлаштириш яхшилашиб бормоқда. Тармоқ корхоналарининг 5 та болалар оромгоҳида ҳар йили 5300-5400 ўғил-қизларимиз ёзги кўнглиги ўтказишапти. Айни пайтда спорт-соғломлаштириш ишларининг қўламли ҳам кенгайиб бормоқда.

Табиийки, бу ишларни ишчи, қадамба-қадам амалга ошириш осон эмас. Бўнда кўп нарса касаба етакчилари, фаолларимизнинг ташаббускорлиги, билими, ташаббуслиги қобилиятларига боғлиқ. Шўни ҳисобга олиб, касаба фаолларимиз, меҳнат жамўаларининг етакчиларини ўқитиш, малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалий машғўлотлар, ўқув семинарлари, маслўхат кенгашлари, турли қўриқлар яши самара бераётди. Бўгун биз тармоқ корхона ва ташкилотларида қизгин иш олиб бориб, меҳнаткашларнинг мулўқ ишончини қозонган Бахтиёр Абдуллаев, Анатолий Бўгаев, Ирода Мадарова, Николай Авденко сингари касаба етакчиларимиз билан фахрланамиз. Уларнинг илганувчанлиги, қатъияти, гайрат-ташаббуси тўфайли касаба ташкилотларимиз ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ишчи ҳимўа-лаб, тармоқда иқтисодий ривожланиши, маънавий-ижтимоий барқарорлиқни таъминлашга бош-қўш бўлмоқдалар.

Мавжуда ХАЛИЛОВА,  
ёқилги-энергетика мажмуи, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят бўйича вақили.

Саҳифа материалларини «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.



Албатта, бўнинг учун шартли, тегишли спорт иншоотлари ва асбоб-ускуналар етарли бўлиши керак. Корхонамиз бошқаруви билан касаба қўмитаси бу шартлиларни яратиш учун вақтинча ҳам, маблаг ёки бошқа моддий-техник ресурсларни ҳам аямайдилар. Нафақат спорт-соғломлаштириш ишлари, балки республика спорт мусобакалари учун маблаглар ажратилаётгани ҳам бу дамўрлик ва эътиборнинг далилидир. Чўнончи, сўнгги бир йилда турли даражалардаги спорт мусобакаларини ўтказиш мақсадларига 72 миллион сўм маблаг сарфланди.

## Спорт ГОЛИБЛАРГА СОВРИНЛАР НАҚД

Ҳеч бир кун йўқки, корхонамиз теннис корти, футбол, волейбол, баскетбол ёки кураш майдонларида бирон-бир мусобақа ўтказилмасин. Спорт Олмалик кимёгарлари учун чинакам чиниқиш мактабига айланган. Цехлараро спартакиадалар, айрим спорт турлари бўйича корхона биринчилиги ёки оилавий спорт мусобакаларини ўтказиш бизнинг «Аммофос» очик акциядорлик жамиятида анъана бўлиб қолган.

қир Салимов, курашчиларини чиниқтиришда Сувоп Тошев, теннис кортида мусобақалар ташкил этишда Танжар Тўйчиев сингари мураббийлар жонбўзлик кўрсатишапти. Шўндай жонкуяр ташкилотчи ва мураббийларнинг сайҳўхаракатлари, гайрат-ташаббуси билан ҳар бир спорт мусобақаси чинакам байрам тусини олмоқда. Айтайлик, шўшка бўйича корхона биринчилигида ҳар бир цехдан ўтадан жамўа қатнашди. Шаҳсий биринчилигида эса 25 эркек ва 10 аёл шўшқачи ўзаро кўч синашишди. Шаш-

қизгин тус олди. Бу тур бўйича ҳам 2-аммофос цехи спорт жамўасининг олдида ҳеч ким тўша олмади.

Курашчиларимиз маҳорати ҳам йил сайин ортиб бора-япти. Ўтган йили вилоят тармоқ биринчилигида 10 курашчимиз майдонда қўчди. Ўз вазн тоифалари бўйича А. Ҳўжабўев, И. Ўбайхўнов совринли ўринларни қўлга киритишди. Вилоти-миз полковлари кураш бўйича тармоқ касаба уюшмаси марказий кенгашининг соврини учун VI республика мусобақаларида умумжамўа бўйича биринчи ўринга чиқиб олишлари корхонамиз вақиллари мўносиб ҳисса қўшишди. Республика чемпионида эса курашчимиз И. Эгамов бронза медалини қўлга киритди.

Татьяна ВОРОНОВА,  
«Аммофос» очик акциядорлик жамияти спорт клуби раиси.

Футбол

Тўрт ўйинда битта тўп...

Футбол бўйича олий табақа жамоалари навбатдаги учрашувларни ўтказдилар.



КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионатининг биринчи табақасида совринли ўринлар ва олий табақага бериладиган йўланмалар учун кураш қизгин давом этмоқда.


Вилоятимиз вакили «Металлург» Қаршида «Насаф» жамоаси билан баҳс юрди. Ҳаққоннинг дастлабки дақиқалариданоқ майдон эгалари меҳмонлар дарвозаси олдида жуда кўп хавфли вазиятларни вужудга келтирдилар. Бироқ уларнинг барча уринишларини «Металлург» дарвозабони Фарход Йўлдошев йўққа чиқарди.

84-дақиқада «Металлург» ҳужумчиси Баҳром Умаров ағона жавоб тўпини киритди. Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар кайд этилди: «Нефтчи» — «Вобекан» — 4:0, «Пахтакор» — «Қизилқум» — 4:1, «Қурувчи» — «Трактор» — 0:1, «Шўртан» — «Навбахор» — 1:2, «Бухоро» — «Самарқанд» — 0:2, «Тўпаланг» — «Машъал» — 0:1, «Андижон» — «Локомотив» — 1:0.

3-турда вилоятимизнинг икки вакили «Кимёгар» (Чирчиқ) — «Олмалик» кон-металлургия комбинати» (Олмалик) жамоалари ўзаро баҳс юритишди. Тенг курашлар остида ўтган учрашууда ҳисоб очилмади, томонлар очколарни бўлишиб олишга мажбур бўлишди. Учинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар кайд этилди: «Жайхун» (Нукус) — «Зарафшон» (Навоий) 3:1, «Галлакор» (Фаллакор) — «Шаҳрихон» (Шаҳрихон) 3:1, «Локомотив-БФК» (Тошкент) — «О. Акбаров» (Яйпан) 0:1, «Хоразм» (Урганч) — «Ромитан» (Роми-

тан) 0:3, «Шўрчи-Лочин» (Шўрчи) — «Шайхонтоҳур» (Тошкент) 3:3, «ЎзДонЖу» (Андижон) — «Сўғдиёна» (Жиззах) 0:1, «Машъал-2» (Муборак) — «НБУ-Осиё» (Тошкент) 2:0, «Каттақўрғон-Динамо» (Каттақўрғон) — «Косонсой-Заковат» (Косонсой) 3:1, «Цементчи» (Қувасой) — «Октепа» (Тошкент) 1:0. Мусобақа жадвалида тўққиз очко жамғарган «Жайхун» футболчилари шекардамлиқ қилмоқда. Кейинги ўринларни эгаллаб турган «Каттақўрғон-Динамо», «Машъал-2» ва «Цементчи» жамоалари ҳисобида еттидан очко бор.

Аъзам АЗИМИЙ.



СИРЛИ СУРАТ

Қандайдир номаълум куч мени уйғотиб юборди. Қаловани ўрнимдан турдим-да, яна дарс қилишга ўтирдим. Аммо чизма геометрияни нари суриб, негадир, расм чизадиган альбомимни қўлга олдим. Қандай сурат чизиб устида бир мuddат ўйланиб қолдим. Тўйқуз ичимдан бир тўйғу келиб, юрагим гурс-гурс уриб кетди. Қўлимдаги қалам эса ҳаракатга келиб, оқ қоғоз бетига бир қиз қўёфасини тезлик билан тўширадими, қўлим қаламни ҳолсизгина тутиб, унинг ҳаракатини қайтаргандек бўларди.

Қиғанидан чўчиб, кўзимни очдим. Хонам бўм-бўш. Осмон оқариб, кун ёриша бошлаган эди. Шоша-пиша ноҳушта қилиб, институтга кетишдан олдин, хонамга кирдим-да, қўлимни беҳиёр альбомга чўзим. Суратга кўзим тушганида юрагим яна «жиз» этди. Назаримда, бир кечада қиз яна гўзаллашган, ҳусни янада нафислашгандек эди. Қиз менга муҳаббатга тўлиб, шундай меҳр билан қарардики, беҳиёр, суратни лабиринтга ақинлаштириб, аста ўлдирди. Қизини шундай, худди қороздаги суратдан эмас, севган қизимдан бўса олгандек, кўни билан шунинг таъсирини маст бўлиб юрдим. Қайфиятим аъло бўлиб, кўним зўр ўтди.

Оқшом тушиб, навбат уйқуга келганда эса, тунда тинроқ ухлаб, хордиқ олиш ниятида катта уйга жой солидириб, сингилларим ёнида ётмоқчи бўлдим. Бироқ, ўринга энди чўзилганимда, худди ярим танам дарсонамда қолгандек, ичим ачишиб, яна ўз хонамга қайтдим. Ўринимга ётишдан олдин яна альбомни кўлимга олдим. Тилларанг сочли қиз мовий, хумор кўзлари ила менга меҳр билан тикиларди. Бир хўрсиниб, суратни ўпдимда, альбомим ёпдим. Бироқ, уни жавонга, ўз ўрнига яширмай, ёстигим остига қўйдим. Ширин ухлаб, тетик уйғондим. Кўни билан вақтим чоғ бўлиб, ҳамма ишларимни баҳардим. Ҳўшдан кейин эса, одатдагидек, ўртоқларим билан шаҳарда тентирамай, уйимга — суратдаги лобар қиз ҳузурига ошқардим.

Шундай бўлсада, қилган ишимдан энгил тортиб, ёстиққа бош қўйдим. Уйғонганимда вақт алламахал бўлиб қолган экан. Суратли альбомни ёпиб, ноҳушта ҳам қилмай, институтга шошилдим. Ҳўшим тугаши олдида, расм чизадиган альбомим дарсонамдаги стол устида қолиб кетганини эслаб, ташвишга тушдим. Чунки, уйдагиларнинг бирортаси дарсонамга кириб қолиб, қизининг суратига кўзлари тушса, мен тўғримада нотўғри уйга боришларидан чўчирдим.

Дарвозадан кирдим-у, ўзимни дарсонамга урдим. Альбомимни стол устида, ўзим ташлаб кетган ҳолатда қўриб, кўнглим тинчиди. Уни очганимда тилларанг сочли, мовий кўз, чиройда тенгил йўқ, нозикгина бир қиз энгил табассум билан менга шундай боқиб турардики, худди тирж қизга кўзим тушгандай, юрагим «жиз» этиб кетди. Кўзимни расмдан аранг узиб, альбомим ёпдимда, уни жавондаги китоблар орасига, ўзининг доим турадиган ёрига яшириб қўйдим.

Тўшлик овқатдан кейин кўним чизмачилик билан ўтди. Бўнинг орасида бозорга тушиб, ойимларнинг топшириқларини бажариб қилдим. Кенчқурун эса ўртоқларим билан шаҳар айланчиб, уйга кел қайтдим. Шаҳарда тентираб чарчаганимга ёки кечгаги тун бедор ўтганимга, бошим ёстиққа тегиши билан кўзим юмилиб, ухлаб қолдим. Аммо тонгга яқин, аллакимнинг ноки бармоқларим сочларимни майин силашидан уйғониб кетдим. Чўчиб, кўзимни очсам, хонамда ҳеч ким йўқ, ёлғиз ўзимман. Димоғимга қандайдир хушбўй хид урилари. Бироз тинчланиб, яна ухлашга чоғландим. Кўзим энди илинган экан, боғи хушбўй хид нақ бурним остида ан-

қиганидан чўчиб, кўзимни очдим. Хонам бўм-бўш. Осмон оқариб, кун ёриша бошлаган эди. Шоша-пиша ноҳушта қилиб, институтга кетишдан олдин, хонамга кирдим-да, қўлимни беҳиёр альбомга чўзим. Суратга кўзим тушганида юрагим яна «жиз» этди. Назаримда, бир кечада қиз яна гўзаллашган, ҳусни янада нафислашгандек эди. Қиз менга муҳаббатга тўлиб, шундай меҳр билан қарардики, беҳиёр, суратни лабиринтга ақинлаштириб, аста ўлдирди. Қизини шундай, худди қороздаги суратдан эмас, севган қизимдан бўса олгандек, кўни билан шунинг таъсирини маст бўлиб юрдим. Қайфиятим аъло бўлиб, кўним зўр ўтди.

Оқшом тушиб, навбат уйқуга келганда эса, тунда тинроқ ухлаб, хордиқ олиш ниятида катта уйга жой солидириб, сингилларим ёнида ётмоқчи бўлдим. Бироқ, ўринга энди чўзилганимда, худди ярим танам дарсонамда қолгандек, ичим ачишиб, яна ўз хонамга қайтдим. Ўринимга ётишдан олдин яна альбомни кўлимга олдим. Тилларанг сочли қиз мовий, хумор кўзлари ила менга меҳр билан тикиларди. Бир хўрсиниб, суратни ўпдимда, альбомим ёпдим. Бироқ, уни жавонга, ўз ўрнига яширмай, ёстигим остига қўйдим. Ширин ухлаб, тетик уйғондим. Кўни билан вақтим чоғ бўлиб, ҳамма ишларимни баҳардим. Ҳўшдан кейин эса, одатдагидек, ўртоқларим билан шаҳарда тентирамай, уйимга — суратдаги лобар қиз ҳузурига ошқардим.

Негаки, бозор иқтисодиётининг талаб ва таъойиллари ҳар жабада буй кўрсатиб, хусусан, матбуотни ҳам четлаб ўтмаётган бир пайтда «Машъал» ижодкорлари газетанинг ҳар бир сонларини бир тан-бир жон бўлиб, қиёмга етказиб, кўпчиликка манзур этиб тайёрлашга ҳаракат қилмоқдалар. Кўп йиллардан бери фалоят юритиб келаятган Маъмур Бозор Али (Маъмуржон Бозоралиев) ҳам ўз тадқиқоти тўғрисида маълумот берган бўлиб, қўлимга қўйиб берди. Мен эса қиз кўришдан эриқдим. Тўй номаълум мuddатга орқа сурилдим. Альбомдаги машъулкамнинг чехраси эса яна аввалгидек жозибали, яна илгаригидек, мафтункор қиёфага кирди. «Одамларнинг ичидан бош кўтариб юрولмайдиган бўлдим» деб дадам чойхонага қиймай қўйдилар. Қўчақўйдагилар «Тўйинг қачон?» деб жигимга тегишар, аския қилишарди.

(Давоми бор).

ЛАПАРЧИЛАР БАҲСИ

Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусикали комедия ва драма театрида ўлан ва лапар ижрочилари II кўрик-фестивалининг республика босқичи якунланди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур фестивалда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 150 нафар ижрочи иштирок этди. Халқимизнинг санъати ва маданияти, озаки ижоди бетакдор ҳамда қадимийлиги билан ажралиб туради. Хусусан, миллий куй-қўшиқлар, ўлан ва лапарлар барҳаёт, умрбоқий меросдир. Уч кун давом этган мазкур фестивал иштирокчиларни мамлакатимизнинг турли худудларида асрлар буйи сайқал топиб, тилдан тилга ўлиб келаятган қадимий лапар ва ўланларни ижро этиб, фольклор меросимизнинг қанчалик бой ва ранг-баранг эканини намойиш этдилар. Фестивалнинг якуни натижаларига қўра, лапар ижрочилиги бўйича Наманган вилояти бадиий жамоаси олий ўринга муносиб топилди. Фарғона вилояти лапарчилари Биринчи, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти вакиллари иккинчи, Бухоро ва Самарқанд вилояти фольклор жамоалари учинчи ўринни қўлга киритди.

У.А.

Маънавият

Туракул ота оилада еттинчи ўғил — Орифжоннинг дунёга келишини ҳаётидаги энг сурурли, фарахли дамлар эди, дея хотирлайди... — Бўнинг ҳофиз бўлади шекилли, онаси, — дейди Туракул Фазилатхоннинг ҳорғин, айна дамда бахтиёр чехрасига боқиб. — Овози нақ осмонни ёраман дейди-я! — Ҳа, отаси, ўзим ҳам ҳайронман, — дейди она гўдагини бағрига босиб. — Лекин етти рақамнинг хосиятлари ҳақида эшитганларим бор эди. Ахир, еттинчи ўғил, ишқилиб умри билан берган бўлсин, акаларига қанот, сиз билан менга қувват, эл-юрт қорига

— Орифжонни нафақат кишлоғимиз, балки туманимизда ҳам яхши танишди. Уни «Бўқанинг булбули» дея алқашди. Бундай бағараз, самимий эътирофга сазовор бўлиш осон эмас, — дейди вилоятимизнинг фаол аёлларидан бири, «Шўхрат» медали нишондори Барно Жабборова. — «Камолот» да эндигина иш бошлаган кезларим эди. Мактабни аъло баҳолар билан тугатаётган йигит-қизларни рағбатлантириш мақсадида эсда қоларли бир тадбир уюштирмоқчи бўлдим. Ушунда мен билган санъаткорларнинг ҳеч бири илтимосимни бажармади. Орифжон эса, ҳеч қандай гап-сўзсиз ўз жамоаси билан шундай ажойиб кеча уюштириб бердики, хали-хануз ёдимдан чиқмайди. Айниқса, битиручилар жуда миннатдор бўлишди...

ЭЗГУ ТИЛАК РЎЁБИ

диндаги завқу шавқ кўшиқ бўлиб тилга кўчади. Гўзалликка шайдо кўнгли Орифжонни Тошкентдаги Абдулла Қодирий номидаги Маданият институтига етаклаб келган бўлса, эҳтимол. Устозлари Бахтиёр Сайфуллаев, Абдуҳошим Исмоилов, Хамидулла Яхёевлардан мумтоз ўқшқчилик сирларини ўрганар экан, ишқорлик, яратувчилик иштиёқи куртак отиб, гул ёзди.

— «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаганимда санъат йўлининг машаққатлари ортидаги нурафшонликдан бахтиёр эдим, — дейди ҳофиз. Айниқса, мумтоз кўшиқчилик санъатига бўлган алоҳида ҳурмат, меҳр туман маданият уйи қошида ташкил этилган «Дугоҳ» халқ мақомчилик дастасида фаоллиқ юритишида қўл келди. Ансамблининг бадиий раҳбари Собир Нишоновининг таъкидлашича, 2004 йили Марғилонда, 2006 йили Урганч шаҳрида ўтказилган «Дибёри оҳанглари» кўрик-танловларида фахрли 2- ва 3-ўринларни эгаллашган. Бунда Орифжоннинг ало-

жаридиган бўлса, зора. — Албатта, шундай бўлади, онаси. Бунга ишончим қомил. Энг кераги, меҳнатни севсин, одамларни қадрласин. Бу энди ўзимизга боғлиқ... Ҳа, астойдил қилинган ният, тилдак бир кун ижобат бўлиб, ўз ҳосилини бериши бор гап. Мана, 40 йил ўтгач, ўша эзгу тилак рўёби 60 йиллик умр китобида ярқираб, ота-она юзини ёритиб тургандек. Иси жисмига монанд Орифжон бугунги кунда маънавий оламнинг муносиб вакили, инсонийлик инстинг орийфларидан бири сифатида ҳамқишлоқларининг ҳурмат-эътиборини қозонди.



қиди хиссаси бор. — Уни танийдиганлар, энг аввало, инсоний фазилатлари, камтарлиги, баодоблиги ҳақида сўзлашарди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими фаолларидан Тўлғаной Ҳамроқуллова. — Одамларга яхшилик қилиш, уларга қувонч улаштириш одат қилгани учун ҳам доимо чехраси очик, юзи ёруғ. Ҳеч қачон илтимосингни жавобсиз қолдирмайди. Айниқса, кам таъминланган оилаларнинг тўйларида беёминат хизмат қилиши, меҳрибонлик уйлари, мактаб ўқувчилари, кексалар, чегарачилар ҳузурига тез-тез бориб, концерт уюштириб туриши бошқаларга ибрат.

Ҳа, юқорида таъкидлаганимиздек, эл ҳурматига сазовор бўлган маданият ходими, оилада ҳам оқибатли фарзанд, меҳридон ота, севишли ёр. Умр йўлдоши Халимаҳон билан фарзандларининг ўқимишли, тарбияли бўлишлари учун шароит яратишни оталик бурчи деб билади. Шохруҳ, Гулруҳ, Маъруф ва Маҳлиёлар ўзаро меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, илм-фанга, маънавиятга бўлган интиқлик муҳитида ўсиб-ўлғай-

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Китобингизни ўқугум

«БИР ПАРЧА НУР»

Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, туман газеталари жуда кўплаб истеъдодларга бешик бўлган ижод даргоҳи ҳисобланади. Неча-неча иқтидорли қаламқашлар шу ерда тобланишар, камол топишар. Вилоятимизда чоп этиб турилган даврий нашрлар орасида Уртачирчиқ тумани «Машъал» газетасининг ўрни ва мавқеи бошқача.

нотини кашф этишганди. Шоир ўз ўқувчиларига яқинда «Бир парча нур» номи билан навбатдаги шеъррий гўдастасини туҳфа этди. Тўпладан ўрин олган турфа мавзунли, ранг-баранг, шаклу услуби бир-бирини тақдорламайдиган шеърларни ўқиб, муаллиф тафаккури, ҳаёлот олами кенг, энг муҳими, сўзга нисбатан етарли даражада талабчан эканига иқдор бўлдим. Яна ўзгачадан ижодда, гўзалликка, санъатга, шеърятга бўлган меҳру муҳаббати ва садоқати беқийс эканини ҳам англадим. Касб, иш ва кундалик ҳаёт ташвишларидан ортиб, ижод намуналарини китоб қилиб чиқариш ва унда қандайдир янги гап, яхши фикр айтишга интилишининг ўзи жуда катта гап. Мана бир байт: Гангиб умр савдосидан Лолу хайрон қолдим баъзан, Гоҳ эса завқлар олиб, Ашёр этиб тузганим бор... Дарҳақиқат, ҳаётнинг қувонч ва ташвишлари, инсонни инсон қилиб турган

Рассом хангаси



Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.

Чирчиқ шаҳридаги 8-ўрта мактаб томонидан 1986 йилда Косачев Андрей Валентинович номига берилган Г № 952584 рақамли аттестат йўқолганиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» лицей-интернат томонидан 1997 йилда Джайибаев Ислам Джумадуллоевич номига берилган О'Р-А 000409 рақамли шаҳодатнома йўқолганиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби номига берилган 11-003670 рақамли корхоналарни рўйхатга олиш гувоҳномаси йўқолганиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Центральная консультативно-диагностическая поликлиника при Минздраве Узбекистана объявляет тендер на производство капитального ремонта своего офиса. Контактный телефон: 380-76-74. «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими жамғарманинг Уртачирчиқ туман бўлимига раисси Мусахон МАМАТКУЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига чўкур ҳамдардлик изхор этади. ● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳақида далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

TOHKENT HAQIQATI / ТОШКЕНТСКАЯ ПРАВДА / Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ / Бош муҳаррир: Абдушоҳидов / Телефонлар: 136-53-09 / Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. / Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. / Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.